

## Ота-онанинг дуоси



14:35 / 17.05.2024 2058

سَيَّبَنَّ لِلَّهِ نَعْتَهُ دَحِيَّةَ رِيْرُهُ أَبَا تَعْمَسَ: لَأَقْدَهُ يَبْأَنَّ عِيَّيَّ دَمْلَلِ لِهَلَلِ دِيْبُ عُنْبُ يَحِيَّيْ نَعْتَهُ  
كَلَّ ذَوْقَنَبَ مَلَسَّوْهِيَّ لَعْلَلِ لِيَّصَّ

Яхё ибн Убайдуллоҳ Маданийдан, у отасидан ривоят қилади:

**«Мен Абу Ҳурайранинг худди шу гапларни Набий соллаллоҳу алайҳи  
васалламдан ривоят қилганини эшитдим».**

**Шарҳ:** Бу ҳадис бундан олдин берилган мақоламиздаги ҳадиснинг  
маъносини таъкидлаш учун келтириляпти. Бу маъно бир эмас, кўпчилик  
кишилар эшитган машҳур гап бўлиб, ҳамма билар экан.

لَأَقْفُ؟ هَتَأْرُمَ لَلْتَقْلُجْرِي فِي يَرَاتِ أَمِ: سَابَعَنْ بَالِ تُلُقْ: لَأَقِيَّ لَطْنَحْلَلِ عِقْرُمُ نَعْتَهُ  
تَمَادِ أَمِ أَرْبَبِيَّ لَفَّيَّ حُهُتْدِلْ أَوْ تَنَ أِكْ نِإِو، أَمُّهَرَبِيَّ لَفْنِيَّ حُهُ أَوْبَ أُنَ كْ نِإِ  
«هُنَّ عَزَّوَجَاتِي نَأْ هَلَلِ لَعْلَلِ، هِيَّ حِ»

Муроққоъ Ханзалийдан ривоят қилинади:

**«Ибн Аббосга: «Хотинини ўлдирган киши ҳақида нима дейсан?» дедим.**

**«Агар ота-онаси тирик бўлса, уларга яхшилик қилсин. Агар фақат онаси тирик бўлса, модомики онаси тирик экан, унга яхшилик қилсин. Шоядки, Аллоҳ уни кечириб юборса», деди».**

**Шарҳ:** Бундан келиб чиқадики, демак, инсон билиб-билмай баъзи бир хатоларни қилиб қўйса, унинг мағфират қилиниши, хатоси кечириб юборилиши учун ота-онанинг дуоси, розилиги асқотиши мумкин экан.

Ота-она чин қалбдан рози бўлиб, боласининг ҳаққиға дуо қилиб, унинг гуноҳи мағфират бўлишини Аллоҳдан сўраса, шоядки, Аллоҳ таоло унинг ана шундай катта гуноҳларини ҳам кечиб юборса.

Одам ўлдириш қанчалар оғир гуноҳ эканини ҳамма яхши билади. Бу гуноҳ кабира – катта гуноҳлардан эканини ҳам ҳамма яхши билади.

Одам ўлдирган одамнинг мағфират қилинишига тавбадан кейин фақат битта иш ёрдам бериши мумкин экан. У ҳам бўлса, ота-онасига ёки улардан бирлари ҳаёт бўлса, унга кўп яхшиликлар қилиб, розилигини топиб, дуосини олса, одам ўлдиришдек гуноҳнинг мағфират қилинишидан умидвор бўлиши мумкин экан.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.**

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.*